

---

## ВИЛОЯТ ҲОКИМИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ШОҲИМАРДОН МФЙДА ЯШОВЧИ ФУҚАРОЛАР УЧУН ВИДЕОМУЛОҚОТ ШАКЛИДА ҚАБУЛ ЎТКАЗДИ

Бугун вилоят ҳокимининг ўринбосари Хожиқўзижон Исақов ZOOM платформаси орқали Фарғона туманининг Шоҳимардон маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаролар учун қабул ўтказди.

Қурилиш комплекси таркибига кирувчи бошқарма ва ташкилот раҳбарлари иштирокида ўтказилган қабулда фуқароларнинг ички кўчаларни асфальтлаштириш, Қайроғоч массивига электр ва ичимлик суви тармоғини тортиш, поликлиника қурилиш ишларини якунига етказиш, мактаб ва боғча олдида пиёдалар йўлаги қуриш, кўча четларига лоток ётқизиш, Порсин кўчасида аҳоли хонадонларидан ўтадиган сел йўлига бетон лоток қўйиш каби 10 дан ортиқ мурожаатлари атрофлича кўриб чиқилди.

Ҳар бир мурожаат вилоятдаги тегишли бошқарма ва ташкилотларнинг раҳбарлари иштирокида шу жойнинг ўзида кўриб чиқилиб, ҳал этилиши мумкин бўлганларига амалий ечимлар белгиланди. Баъзи мурожаатларнинг ижобий ҳал этилиши учун ҳудудга борилиб, қўшимча ўрганишлар олиб бориладиган бўлди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-06-22 12:33:57